O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил
1 март
ЧОРШАНБА
№ 17
(11.820)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

БАҲОРНИНГ ФАЙЗИ БОШҚАЧА

Она табиатнинг мўъжизалари кўп. Вақт ўтиб, фасллар алмашиниши билан чор-атрофимиз ўзгача файз-тароват касб этади. Худди шунингдек, кўклам нафаси ҳам ҳар бир кўнгилга баҳорий илиқлик ва хуш кайфият олиб киргани шубҳасиз.

Деҳқон борки, баҳорни кутиб, кўкламга талпиниб яшайди. Айнан шу фаслда ризқу рўзимиз уруғлари сочилади, яхши ният, эзгу мақсадлар сари йўл очилади.

Кунлар илий бошлаши билан боғбон боғига, деҳқон даласига йўл олди. Баҳорги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Халқимиз кўкламнинг катта байрами Наврўзи олам кириб келгунича чор-атрофни саранжом-саришталашга, ниҳоллар экиб, боғ-роғлар бунёд этишга одатланган. Бу сафар ҳам шундай бўлмоқда.

— Бу йилги баҳорнинг файзи, нафаси бошқача, — дейди зангиоталик кекса боғбон Самуқ Толипов. — Кўкламнинг энг дастлабки юмуши боғ-роғларга қараш, ниҳол экиш, довдарахтларга шакл беришдир. Ҳаммаси ўз вақтида, сифатли қилиб бажарилса, боғлар меваси сара, ҳосилдорлиги юқори бўлади.

СУРАТДА: *кекса боғбон Самуқ Толипов (ўнгда) шогирди Файзулла Авазов билан ўзи яратган боғларда дарахтларга шакл бериш билан банд.*

Даврон АҲМАД олган сурат.

Паркент тумани ўзининг гўзал табиати, ҳузурбахш об-ҳавоси, зилол сувлари билан вилоятимизнинг бошқа шаҳар ва туманларидан ажралиб туради. Ушбу беназир табиат инъомини кўз қорачиғидек асраш, келажак авлодларга намунали кўринишда етказиш зарур.

ОЙЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

Вилоят ҳокимининг 15 февралдан 15 мартгача ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигини ўтказиш тўғрисидаги қарори доирасида амалга оширилаётган тадбирлар давомида асосий эътибор туманнинг табиий қиёфасини янада гўзаллаштиришга қаратилмоқда. Туман бўйича жами 28 та маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари бўлса, шу кунгача уларда истиқомат қилувчи 7185 нафар киши ҳашарда иштирок этиб, 43,1 гектар майдонни тартибга келтиришди. 42,5 тонна чиқинди чиқариб ташланди. 26380 метр узунликдаги ариқ ва зовурлар тозаланди. Иккита зиёратгоҳ ва қабристон ободонлаштирилмоқда. Дарахт ва гул кўчатлари экиш эса давом этмоқда. 597 та манзарали, 479 та мевали дарахт, 4100 та терак ҳамда 5196 та гул кўчатлари экиб бўлинди. Ҳашарчилар ушбу хайрли ишда 25 та техника воситасидан фойдаланмоқдалар.

Хуррият МЎМИНОВА.

СУРАТДА: *бўлиб ўтган ҳашардан лавҳа.*

Хусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

ФАХР ВА МАСЪУЛИЯТ

Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгашининг раёсат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ташкилотнинг шаҳар ва туман кенгашлари раислари, автомобиль мактаблари бошлиқлари қатнашди.

Иштирокчилар ўтган йил якунлари, молия-хўжалик фаолияти натижаларини таҳлил қилиб, ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини янада такомиллаштириш масалалари хусусида батафсил сўз юритишди. Ташкилотнинг ҳарбий-спорт ишлари бўйича 2006 йилга мўлжалланган тақвимий режаси хусусида келишиб олинди. Шунингдек, йилнинг энг яхши 5 нафар мураббийи ва 10 нафар спортчиси муносиб тақдирланди.

— Шу нарса қувонарлики, — деди ташкилотнинг вилоят кенгаши раиси Каримжон Ваҳобов. — 2005 йил якунлари бўйича республикада учинчи ўринни эгалладик, ташкилотимиз Марказий кенгашнинг дипломи билан тақдирланди. Бу, албатта, кенгаш зиммасига янада катта масъулият юклайди.

Саид ҲАСАНОВ.

Саломат бўлинг

Янгийўл туманига боратуриб, беихтиёр икки кишининг суҳбати қулоғимизга чалинди:
— Ҳа, қўшни, бозорга кетяпсизми?
— Эртага меҳмон кутмоқчи эдик. Янгангиз товуқ гўшти олиб келинг, девди. Шунга ўйланиб турибман. Эшитишимча, «Товуқ гўшти сотилмасин» деган кўрсатма бор эмиш?!
— Ие, хабарингиз йўқми, ҳозир ҳар куни «парранда гриппи» ҳақида бонг уришяпти-ку?! Лекин хавотирга ўрин йўқ. Мен газетадан ўқиб билдим. Ўзбекистонда бу касаллик йўқ экан. Парранда гўштига келсак, фақат ўзимизда етиштирилаётган товуқ гўштини истеъмол қилиш мумкин. Четдан келтирилган парранда гўштини эса сотиш тақиқланган.

ЖИДДИЙ НАЗОРАТ ОСТИДА

Ҳақиқатан ҳам шу кунларда дунёнинг кўплаб мамлакатларини ўзининг оғир асоратлари билан ташвишга солиб қўяётган, нафақат парранда, балки инсон ҳаётига таҳдид солаётган хавфли касаллик — «парранда гриппи» ҳақидаги хабарлар матбуот саҳифаларида тез-тез чоп этилиб турибди. Гарчи Ўзбекистон ҳудудида бу касаллик аниқланмаган бўлсада, мамлакатимизга яқин бўлган қўшни республикаларда учраётганлиги хотиржамликка берилмай, ҳар доим ҳушёр ва огоҳ бўлишга ундайди. Сўнгги хабарларга қараганда, Туркия ва Украинада «парранда гриппи»га чалинган беморлар орасида ҳатто, ҳалок бўлганлари бор. Вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази кескин чора-тадбирлар белгилаб, изчил амалга оширмоқда.



Бу ҳақда Янгийўл туман ДСЭНМ бўлими мудири Инобатхон Абдураимова шундай деди:

— Вилоятимизнинг бошқа шаҳар ва туманлари каби Янгийўлда ҳам «парранда гриппи»га қарши кураш, унинг кириб келишининг олдини олиш ишлари жиддий назорат остига олинган. Савдо дўконлари ва умумий овқатланиш шаҳобчаларида парранда гўштини жиддий назоратдан ўтказган ҳолда сотиш, четдан келтирилган нафақат парранда, умуман гўшт маҳсулотларини махсус текширувдан ўтказмай сотиш қатъий ман қилиниши ҳақида кўрсатма берилди. Айниқса, божхона ходимларига катта талаблар қўйилди. Улар назоратни кучайтиришди. Чунончи, Навоий божхона постида қўшни давлатдан кириб келаётган гўшт, сариёғ қайтариб юборилган. Январь ойида четдан кириб келаётган 443 йўловчи қатъий текширувдан ўтказилган.

Шунингдек, «Умид» паррандачилик фабрикасида дезинфекция ва дератизация ишлари олиб борилди. Тиббиёт муассасаларида, мактаб ва боғчаларда гриппдан сақловчи ҳимоя воситаларидан фойдаланиш лозимлиги уқтирилди. Бундан ташқари товуқ боқадиган хонадонларда тушунтириш ишлари олиб боряпмиз. Улар «парранда гриппи»нинг дастлабки белгилари билан мукаммал таништирилди.

Сайёра РИХСИЕВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Яна тўловлар ҳақида

ҚАРЗГА ОЛИНГАН ЭШИКЛАР, ҚОРОНҒИ ЙЎЛКАЛАР

Янгийўл шаҳрида 8 та уй-жой мулкдорлари ширкати фаолият юритмоқда. Олтинобод маҳалласидаги «Маърифат» ширкатига бирлашган кўп қаватли бинолар 19 тага етди. Бу уйлардаги 954 та хонадонда 1850 аҳоли истиқомат қилади. Уларга ҳисобчи, пайвандчи, электрик, механик, дурадгор ҳамда фаррошлардан иборат 13 нафар ширкат ходими хизмат кўрсатаяпти.

— Ширкатимиз ташкил этилганидан буён 8 миллион 680 минг сўмга 78 та металл эшикни қарзга олиб бўлса ҳам ўрнатдик, — дейди ширкат раҳбари Абдуғаффор Рустамов. — Бундан ташқари, ўтган йили 4 та уйни мукаммал таъмирдан чиқардик.

Лекин хизмат учун тўловларни йиғишда қийинчиликка учраяпмиз. Ҳар ойда ширкат ҳисобига 1 миллион 200 минг сўм маблағ тушиши керак. Бунга эришолмаяпмиз. Чунки, уй эгалари орасида хизматлардан фойдаланиб, унинг ҳақини тўлашга келганда сансалорликка йўл қўяётганлар оз эмас. Жумладан, Барно Ғуломова, Барно Каримбоева, Насиба Азаматова каби масъулиятсиз истеъмолчилар 105-193 минг сўм қарзларини тўламаяптилар. Оқибатда ширкатнинг иссиқлик манбаи корхонасидан қарзи 41 миллион 610 минг сўмга етди. Ваҳоланки, бу корхона жамоаси иссиқлик таъминотини яхши йўлга қўйган. Шу вақтгача бу ҳақда биронта шикоят ёки ариза тушмаган.

Бироқ ширкатга боғлиқ бўлмаган камчиликлар ҳам йўқ эмас. Масалан, ичимлик сув таъминотидаги нуқсонлар ҳамон давом этаяпти. Уйларнинг 3- ва 4-қаватларига сув бир чиқиб, бир чиқмайди. Етиб борса ҳам жилдираб оқади.

— Шу уйга кўчиб келганимдан бери ичимлик сув таъминотида доимий узилишларга гувоҳман, — деди 18-уйдаги 34-хонадон соҳибаси Линора Абдулванова. — Сувни узоқдан ташиб, тинкамиз қуриб кетади.

— Уйимда биринчи гуруҳ ногиронни бор, қолаверса, ўзим ҳам пенсионерман, — деди 70-уй 24-хонадон соҳибаси Омина Исоқова. — Хонадонимиздан чакка ўтиб ётипти. Уни бартараф этишга маблағимиз йўқ. Ширкат эса бир неча бор қилган илтимосларимизга қарамай, ёрдам бермаяпти.

— Яқинда кўча чироқларининг ёнмаслиги ҳақида ширкатга мурожаат қилдик, — дейди 14-уй бошлиғи Маргарита Югай. — Лекин бу масала билан шаҳар электр тармоқлари корхонаси шуғулланишини айтишди. У ердагилар эса бу вазифани ўз навбатида ширкатга юклашмоқда. Уйимизда яшовчиларнинг 75 фоизи пенсионер. Уларнинг дардини ким эшитади.

Ширкатга қарашли уйларни кузатар эканмиз, ҳудуднинг айрим жойларида уюм-уюм ахлатларнинг тўпланиб қолганига, йўлакларнинг супурилмай ивирсиб ётганига гувоҳ бўлдик. Ширкатдагилардан болалар спорт майдончаси ҳақида сўраганимизда гаражлар ёнидаги хароба майдонни кўрсатишди. У ерда алмисоқдан қолган, темир-терсакка айланган буюмлар сочилиб ётарди. Болакайлар бу ерда майиб бўлишлари ҳеч гап эмас.

«Маърифат»дагиларнинг дарди-ю, муаммоларига қулоқ тутар эканмиз, улар ўз вазифаларини тўлиқ англаб олишлари, ширкатга қарашли уйларда яшовчилар эса мулкка нисбатан муносабатларини ўзгартиришлари зарур деган хулосага келдик.

Хуршида НАЗАРОВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Дадамнинг ойлик маошлари дурустгина. Ҳозирча оила тебратиш, уй-рўзғор ташвишлари, кийим-кечак харид қилиш, кундалик эҳтиёжларни қондириш ва бошқа сарф-харажатларни қоплаш улар зиммаларида.

ПУЛЛАРИ ЙЎҚЛИГИГА ИШОНМАЙМАН

Менга эса фақат газ ва электр ҳақини тўлаш вазифаси юклатилган. Коммунал хизмати тўловларидан қарзим йўқ. Ўйлаб қарасам, олган ойлик маошимнинг чамаси 20 фоизини ўз вақтида барча хизматлар учун тўлаб қўйсам, олам гулистон экан.

Яқинда менга қўшни бўлган хонадонга коммунал хизматлардан қарзлари борлиги ва уни тўлашни эслатиш учун келган пул йиғувчи дарвозамиз очиқ тургани сабаб, бизникига ҳам кириб ўтай дебди. Ҳар доимгидек маошимдан озгина қисмини олиб электр учун тўладим. Шунда йиғувчи: «Одамларга ҳайронсан. Кимдир оз-оздан бўлса ҳам мунтазам тўлаб ўтади. Кимлардир нолишдан нарига ўтмайди. Мана шу қўшнингизникига қачон келмайин, «савдоим юришмаяпти, жон ўртоқ, бошқа сафар тўлайлик, ҳозир пул йўқ», деб туриб олади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг имкониятлар яратилган бир вақтда бундайлар қарзларини нақотки вақтида тўлолмасалар?».

Афсуски, бундай ҳоллар тез-тез учраб туради. Агар коммунал хизматлар учун оз-оздан бўлса ҳам тўлаб турилса, қарз у қадар кўпайиб кетмайди.

Маъмура ЖАМОЛИЕВА,
Ангрен академик лицейи ўқитувчиси.

Нодавлат ташкилотларда

МУРУВВАТ ЮКЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ҳукуматга қарашли бўлмаган «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасида навбатдаги мурувват юкларини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, республика Хотин-қизлар қўмитаси ва «Маҳалла» жамғармасининг масъул ходимлари иштирок этган бу тадбирда «Young rang» компаниясининг 27 та ногиронлик аравачаси, дори-дармонлар, санитария-гигиена воситалари ҳамда тиббий жиҳозлар Жиззах, Наманган, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги ногирон, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига топширилди.

Мўмин ИБОДОВ.

Вилоят ҳаёти

ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ КЎРСАТИЛДИ

«Экосан» халқаро ташкилотининг 2,5 миллион сўмлик инсонпарварлик юклари ортилган навбатдаги саломатлик поезди Чиноз туманига ташриф буюрди.

Жумладан, туман марказий шифохонасига 850 минг сўмлик дезинфекцияловчи воситалар ҳамда 50 дона кўрпа-тўшак ғилофлари, 150 га яқин кам таъминланган, кўп болали оилалар ҳамда ёлғиз қарияларга 1 миллион 600 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ва болалар оёқ кийимлари тарқатилди.

Ҳамида НОСИРОВА.

ДАСТЛАБКИ ҚАДАМЛАР

«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамияти «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» вилоят дастурини амалга ошириш доирасида Оҳангарон туманидаги Бирлик қишлоқ шифохонасини қайта таъмирланиш ва кенгайтиришга ҳомийлик қилди.

Қурилиш-монтаж ва таъмирлаш ишларига корхона 127 миллион сўм маблағ сарфлади.

Ана шу ҳомийлик ёрдами натижасида кундузги даволаш стационари, стоматология, акушер-гинекология, тез тиббий ёрдам бўлимлари кенг ва ёруғ хоналарга жойлашди. Шифохонага алоҳида газ қувури тортилиб, иссиқ ва совуқ сув билан таъминланди. Ташхис-муолажа жараёнларини малакали йўлга қўйиш мақсадида 35 миллион сўмлик тиббий асбоб-ускуна олиб берилди.

Юсуф ЖУМАЕВ.

ҚАЛБИМИЗДА САХОВАТ БЎЛСИН

«Чиноз йўлиндустрия» корхонаси «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастури доирасида ўтказиладиган тадбирлар режасини тузди. Унда ёрдамга муҳтож ишчилар, шунингдек, тумандаги мактаб, муассасаларга ҳомийлик ёрдамини кўрсатиш кўзда тутилган.

Корхонанинг ўтган йилги ҳомийлик фаолияти самарали бўлди. Чунончи, тумандаги 40-мактабнинг ёзги оромгоҳини таъмирлаш, «Таэквондо» маркази, республика кўзи ожизлар жамияти туман бўлими бошланғич ташкилотига моддий ёрдам кўрсатилди.

Озод МАЪМУРОВ.

2006 йил учун обуна давом этмоқда
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси – 205.

Японияда тақдимот

Японияниг Маебаши шаҳрида Марказий Осиё халқлари тарихи кўргазмаси доирасида Марғилон шаҳри маданий мероси тақдимоти бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Ўзбекистоннинг Японияда элчихонаси ва Гунма префектурасидаги Евроосиё марказий клуби томонидан ташкил этилди.

Маълумки, келгуси йилда дунё фани ва маданияти ривожига катта ҳисса қўшган Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги кенг миқёсда нишонланади. Айниқса, буюк олимлар Аҳмад ал-Фарғоний ва Бурҳониддин ал-Марғинонийлар номи шаҳарга катта шуҳрат келтирган.

Тақдимот маросимида Японияниг "ННК" телекомпанияси томонидан суратга олинган "Атласларда орзулар жилоси" фильми йиғилганларга мафтункор атласнинг яратилиш тарихи, тайёрланиш технологияси тўғрисида ҳикоя қилди.

Акмал ҚЎЧҚОРОВ,
«Жаҳон» АА.

Биз ва жаҳон

Халқаро харид тартибига бағишланди

27 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида мамлакатимизда харид қилиш бўйича амалдаги тартибларни халқаро молия институтлари қоидалари билан уйғунлаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Учрашувда Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган халқаро молия ташкилотлари ҳамда манфаатдор вазирлик ва идораларнинг вакиллари иштирок этди.

Жаҳон банкининг харид қилиш масалалари бўйича етакчи мутахассиси Наушад Хон давра суҳбати қатнашчиларига банк томонидан ўрнатилган харид қилиш тамойиллари тўғрисида маълумот берди. У Жаҳон банкининг кредит ёки заём йўналишлари бўйича маҳсулот харид қилиш тартиблари банк томонидан аниқ-равшан белгилаб қўйилганини қайд этар экан, маҳсулот ёки хизматлар хариди жараёнида мазкур қоидаларга қатъий риоя қилиниши лозимлигини таъкидлади.

Байрам арафасида

ОЧИҚ ЮЗ ВА ШИРИН СЎЗ БИЛАН

Ҳаётнинг гултожи бўлмиш азиз аёлларга ҳурмат-эътибор, хотин-қизларга муносабат мустақиллик йилларида давлат сиёсати ва жамият ҳаётининг қонунига айланди. Ўзбек аёли бугун жамият тараққиётининг ҳар бир жабҳасида фаол, фидокор. Президентимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш дастури асосида олиб борилаётган кўламли ишлар, айниқса ўзини-ўзи бошқариш органлари, маҳаллалар фаолиятида аёллар иштирокини кучайтириб юборди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган кўҳна Самарқанд шаҳрига саёҳатга ҳам вилоятнинг жамиятда меҳр-оқибат, самимият ва саховат муҳитини асраб-авайлаб яшаётган 100 нафар аёллари, маҳалла фаоллари таклиф этилди.

— Бугунги тадбир мамлакатимизда аёлларга бўлган муносабатнинг юксак даражага кўтарилганидан далолат, — дейди «Маҳалла» хайрия жамғармаси Бўка туман кенгаши раиси Тўлғаной Ҳамроқулова. — Очиғини айтганда, муқаддас қадамжолар, тарихий обидаларни бориб кўриш учун ҳам маълум миқдорда маблағ талаб этилади. Ҳомийлар ва шифокорлар йилини мана шундай хайрли тадбирлар билан бошлаётган Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасига, вилоят ҳокимлигига ҳар қанча миннатдорчилик билдирилса арзийди. Бугунги саёҳат жамиятимизнинг энг фаол аёллари, маҳаллалар хотин-қизлар кенгашлари аъзолари, диний маърифий ишлар бўйича маҳалла маслаҳатчилари учун катта маънавий озуқа беради. Бу ташаббус жойларда кенг қанот ёзишига, саховатли ҳомийларнинг хайрли ишлари моддий ва маънавий мададга муҳтож инсонларга рағбат беришига ишонаман. Энг аввало, маҳаллаларда ободончилик ишларига алоҳида эътибор бериш лозим. Чунки покизалик эзгуликка кенг йўл очиб беради. Шунингдек, март ойида ҳар бир муҳтож хонадонга ҳомийлар ёрдамида биттадан қорамол олиб бермоқчимиз.

— Шу кунларга етганимизга шукр, — дейди янгийўллик онахон Майсара Норқулова. — Ўн олти йилдан буён маҳалла хотин-қизлар қўмитасини бошқараман. Кейинги йилларда аёлларни қўллаб-қувватлаш, ҳурматини жойига қўйишга эътибор янада кучайди. Тўғри, иш жараёнида кўп муаммоларни ҳал этишга тўғри келади. Шундай пайтларда ортимизда суянчиғимиз — мустақил давлатимиз борлигини доимо ҳис этиб турамиз.

Ҳақиқатан ҳам меҳр кўзда, деганларидек, аёлларимиз Халқаро хотин-қизлар байрами — 8 март арафасида ташкил этилган бу саёҳатдан катта таассуротлар билан қайтишди. Вилоятнинг фаол хотин-қизлари Самарқандниг қадимий тарихий обидаларини зиёрат этиш билан бирга у ердаги маҳаллалар фаолларининг иш тажрибалари билан ўзаро фикр алмашдилар.

Сайёра РИХСИЕВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Тадбир

ТАШАББУС КЕНГ ЁЙИЛСА

Пскент туманида вилоят халқ таълими бошқармаси, Ўзбекистон Халқ-демократик партияси вилоят кенгаши ва Халқ депутатлари вилоят кенгашидаги партия депутатлар гуруҳи ҳамкорлигида «Халқ таълимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлиги ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштиришга оид ишлар кўлами ва келгуси вазифалар» мавзусига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда халқ таълими вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари мудирлари, партиянинг шаҳар ва туман кенгашлари раислари ва Халқ депутатлари вилоят кенгашидаги партия депутатлар гуруҳи аъзолари иштирок этишди.

Тадбирда айтилганидек, партия дастурида таълим соҳаси билан бевосита шуғулланиш асосий мақсад қилиб қўйилган. Келажагимиз эгалари — ёш авлодни тарбиялаётган ўқитувчиларни партия ўзининг асосий таянчларидан бири, деб ҳисоблайди.

Давра суҳбати иштирокчилари асосий эътиборни таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотларда партия маҳаллий кенгашлари ва депутатлик гуруҳлари иштирокини кучайтириш вазифаларига қаратишди.

Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида 2004-2005 йилларда таълим тизимида олиб борилган ишлар, Президентнинг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бўйича бажарилаётган ишлар чуқур таҳлил қилинди.

Чирчиқ ва Ангрен шаҳарлари, Бўстонлиқ, Оҳангарон, Пскент туманлари партия кенгашлари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари мактаб таълимини ривожлантириш маҳаллий фондларига бюджетдан ташқари қўшимча маблағларни жалб этиш ишларини ўз оталиқларига олдилар.

Иштирокчилар халқ таълимидаги ишларни кескин яхшилаш масалалари юзасидан баҳс-мунозара юритдилар. Соҳа вакиллари ҳамда ХДП фаоллари, партия маҳаллий кенгашлари, депутатлар гуруҳи томонидан мазкур қарорлар жойларда аниқ бажарилиши устидан мониторинг ўтказиш ва мавжуд муаммоларни самарали ҳал этишга оид вазифаларни белгилаб олдилар.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТЛАРДА: *тадбирдан лавҳалар.*

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ОНКОЛОГИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Мамлакатимизда онкология хизматининг бугунги аҳволи ва галдаги вазифаларга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Республика Онкология илмий маркази ҳамкорлигида уюштирилган тадбирда мамлакатимиз олимлари, мутахассислар, вилоятлардаги онкология диспансерлари бош шифокорлари ҳамда Россия Онкология илмий маркази вакиллари иштирок этди.

Республика онкология илмий маркази директори, профессор С. Наврўзов бошқарган йиғилишда Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисидаги фармонида белгиланган вазифалар босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилиши онкология соҳаси фаолиятини янада такомиллаштириш, мутахассислар малака ва маҳоратини ошириш, соҳада даволашнинг замонавий усуллари ва воситаларидан кенг фойдаланиш имконини бераётгани алоҳида таъкидланди.

Б. ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири.

2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили

ҲОМИЙЛИК – МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТ

«Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлими «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини маҳалла фаоллари, ёшлар ва ҳарбийлар онгига чуқурроқ сингдириш мақсадида бир қанча шаҳар ва туманларда давра суҳбатлари, очиқ мулоқотлар ўтказмоқда.

Жумладан, яқинда вилоятимиздаги ҳарбий қисмлардан бирида «Ҳомийлик — халқимизнинг маънавий қадрияти» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирда сиёсий шарҳловчилар, республика «Маънавият ва маърифат» марказининг етакчи мутахассислари ўз маърузалари билан иштирок этдилар.

350 дан зиёд аскарлар қатнашган тадбирда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгашлари вакиллари ҳам иштирок этишди.

Давра суҳбатида аскарлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар.

Гулноза ҚУЛБЕКОВА.



Афсуски, асримизнинг вабоси гиёҳвандлик жамиятимизнинг оғриқ нуқталаридан бирига айланиб бормоқда. У инсон умрига, оилалар бузилишига, иш унуми пасайишига, энг аввало, инсон онгининг сусайишига ва тубанлашишига сабаб бўлаётир.

ДАРДМАНДГА МЕҲР БЕРИБ

Бугунги кунда гиёҳванд моддалари истеъмол қилувчилар, токсикоманлар орасида ёшлар тобора кўпайиб бормоқда. Бу ҳолат атрофимиздаги кишиларга нисбатан зийрак бўлишимизни талаб этади. Тошкент вилояти наркология диспансерининг бош шифокори Абдулла Сейидов билан ана шу муаммолар хусусида суҳбатлашдик.

— Абдулла Селимович, аввало шу касалликка чалинувчиларнинг аянчли ҳолатга тушиб қолиш сабаб ва омиллари хусусида гапириб берсангиз.

— Кузатувларимиздан келиб чиқадиган бўлсак, гиёҳвандлик моддаларига ружу қўйиш кўпроқ моддий жиҳатдан тўкис таъминланган оилаларда ўсаётган ёшларда ёхуд, аксинча, жамиятда ўз ўрнини топа олмаган, иродаси заиф, ишсиз табақа вакиллари орасида кўпроқ учрайди. Ҳаётдан умидини узган, келажакка нисбатан ишончини йўқотган шахслар шу оғудан ўзига юпанч топаман, деб ўйлашади. Соғлом фикрловчи инсонлар учун эса, бу йўл фақат инсониятни тубанлаштирувчи, жамият ва оила нуфузига путур етказувчи жирканч нарсадан бошқа нарса эмас.

— Диспансерда ҳозирда қанча одам рўйхатда туради? Умуман, олдинги йилга нисбатан ўсиш кузатилаётирми ёки аксинчами?

— Диспансеримизда ҳозирги даврда 250 киши рўйхатдан ўтган бўлиб, улардан 115 нафари гиёҳванд моддаларни томир орқали, 88 нафари марихуана моддаси, 22 нафари героин, 19 киши кўкнори истеъмол қилади.

Токсикомания 8-20 ёшли йигит-қизлар ўртасида учраётганлиги ташвишлидир. Улар клей, бензин ва инсон ҳаёти учун ўта хавфли бўлган токсик моддаларни истеъмол қилиши, ҳидлаши аянчли оқибатларга олиб бормоқда. Қайд этилган гиёҳвандларнинг 15 фоизи аёллар.

— Муассасадаги даволаш ишлари ҳақида нима дея оласиз?

— Рўйхатдан ўтишнинг ўзи биз учун ярим муваффақият. Энг аввало, мижозларимизга биринчи тиббий ёрдам кўрсатамиз. Оғу моддани истеъмол қилмаган даврда — бемор «абстиненция» ҳолатига тушганда керакли дори-дармонлар билан зарур тиббий муолажа олиб борамиз, уни руҳан, маънан гиёҳванд моддасини истеъмол қилишдан қайтарамиз.

Лекин асосий эътиборни ўқув даргоҳларида, мактаб ва коллежларда профилактик ишларни олиб боришга қаратмоқдамиз. Аҳолининг барча қатлами ўртасида гиёҳвандлик моддаларининг зарари, унинг оқибатида келиб чиқувчи ВИЧ-СПИД ҳақида лекциялар ўқиймиз, унинг салбий оқибатларидан огоҳ этамиз. Бу хусусда бизга оммавий ахборот воситалари яқиндан ёрдам бермоқда. Қолаверса, шаҳар ва қишлоқларда махфий наркологик хоналар очганимиз ҳам ўз ижобий самарасини бермоқда.

Афсуски, кўрилаётган амалий чора-тадбирларга қарамай, ёшлар орасида гиёҳвандлик моддаларига бўлган талаб, уни истеъмол қилиш камаймаяпти. Ҳозир ВИЧ-СПИД инфекцион касаллигига чалинган беморлар сони гиёҳвандларнинг 15 фоизини ташкил этаётир. Демак, биз янада огоҳ бўлмоғимиз, ёш авлодни бу зарарли одатдан ҳоли этмоғимиз долзарб вазифадир.

— Диспансерингиздаги қулайликлар, муаммоларга ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Замонавий тиббиёт анжомлари билан жиҳозланишда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг хизматлари катта. Яқинда инсон танасидаги спиртли модданинг миқдорини аниқлайдиган аппаратга эга бўлдик. Шу йилнинг охиригача соҳага ниҳоятда зарур бўлган «Исковуч-1» аппаратини олиш режамиз бор.

Ҳозирги вақтда жамоамиз катта бир лойиҳа устида ишламоқда. DDRP нодавлат, нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорикда Ангрен шаҳрида кишиларнинг гиёҳванд моддаларга бўлган талабини камайтириш борасида иш олиб бормоқдамиз. «Умид» ёшлар ташкилоти адашиб шу йўлга кирганлар билан жиддий ишлаб, биз билан ҳамкорликни кучайтирмоқда.

Афсуски, бизнинг соҳамизда ўз касбининг фидойилари — руҳшуносларнинг малакали шифокорлар етишмайди. Хоҳлардикки, диспансеримизда беморларни дилдан тушунадиган, унга зарур вақтда суянч бўла оладиган, зарарли одатни ташлашда маънавий кўмак берадиган малакали мутахассислар кўпайса. Транспорт масаласи ҳам ҳамон ҳал бўлгани йўқ. Шу боис дори-дармонларни вақтида етказолмаяпмиз.

Бу муаммоларга қарамай режаларимиз катта. Ҳомийлар ва шифокорлар йилида шифохонамизни зарур дори-дармонлар билан етарли таъминлашга эришиш энг олий мақсадимиз. Бунинг учун ҳомий ташкилотлар билан узвий ҳамкорликни кучайтирамиз.

Муқаддас ЮСУПОВА суҳбатлашди.

ТЕАТРЛАШТИРИЛГАН ТОМОША

Зангиота туманидаги 14-умумтаълим мактабида «Камолот» ва «Камалак» менинг тақдиримда» мавзусида театрлаштирилган кеча ўтказилди.

Унинг дастурини «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти вакиллари тайёрлашди. Иштирокчилар ҳаракат фаолиятининг саккиз йўналишини акс эттирувчи саҳна кўринишларини намойиш қилиб, турли қўшиқлар ижро этишди.

Нигора АБДУРАҲМОНОВА,
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети талабаси.

ТАШҚИ БОЗОРГА ҲАМ ЧИҚАРИЛАДИ

«Чирчиққишлоқмаш» очиқ акциядорлик жамиятида ўтган йили 100 дона ўрнига 119 та катта ва кичик омочлар, 15 минг дона айланма занжирлар тайёрланди. Бирйўла уч ва тўрт қаторга ишлов беришга мослаштирилган янги осма культиваторлар айни вақтда тажрибада синаб кўрилмоқда.

Умуман, корхона ўтган йили «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» компанияси лизинги орқали буюртмачиларга 4 миллиард 500 миллион сўмга яқин қишлоқ хўжалиги техникалари ва эҳтиёт қисмлар етказиб берди. Пўлат цехини кенгайтириш ва маҳсулот ҳажмини икки баравар кўпайтириш режалаштирилмоқда. Чунки, бу маҳсулотга талаб ошиб бормоқда.

Машинасозлар бу йил ички бозордан ташқари ҳамдўстлик мамлакатларига 450 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилишни кўзлашяпти.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

ЁШ ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ТАНЛОВИ

Вилоятимиз шаҳар ва туманларида «Энг иқтидорли ёш истеъмолчи» республика кўрик-танловининг ҳудудий босқичлари ўтказилмоқда. Ана шундай танловларнинг бири Олмалиқ саноат касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтди.

Унда Пскент тумани, Оҳангарон, Олмалиқ шаҳарларидаги касб-ҳунар коллежлари талабаларидан иборат жамоалар ғолиблик учун куч синашишди. Иштирокчилардан ўз ҳақ-ҳуқуқларини қанчалик билишларини амалда намойиш этиш талаб этилди. Қизиқарли саҳна кўринишларига бой бўлган тадбирда барча саволларга тўла жавоб берган Олмалиқ саноат коллежи талабаси Хафиза Абсаломова ғолиб деб топилди. Иккинчи ва учинчи ўринларни ушбу коллежнинг яна бир талабаси Умида Абдурахмонова ҳамда Нуробод касб-ҳунар коллежи вакиласи Раъно Давлатова эгаллашди. Кўрик-танловнинг биринчи ва иккинчи ўрин соҳибалари вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритдилар.

Танловнинг барча ғолиблари ва қатнашчиларига «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши ҳамда шаҳар Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти томонидан эсдалик совғалари туҳфа этилди.

Шерзод ТИЛОВБЕРДИЕВ.

СУРАТЛАРДА: *Янгийўл шаҳрида бўлиб ўтган танловдан лавҳа; танлов ғолиблари Умид Нуриддинов, Феруза Муҳиддинова, Муҳаммадали Акажонов.*

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

Бўстонлиқ туман марказий маданият саройида «Ёшлар ижтимоий хизматлар маркази» иш бошлади. Уни «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман кенгаши ташкил қилди.

Марказда икки юз ўринли кичик зал ва 30 нафар ёшларни ўқитиш имкониятига эга ўқув хонаси мавжуд. Эндиликда вояга етмаган, кам таъминланган ёшлар «Дибат», «Сухандонлик», «Драма» тўгаракларида шуғулланиб, тренерлар тайёрлаш гуруҳларида бепул таҳсил олишлари мумкин.

Ибодилла МЎМИНОВ.

ИҚТИДОР СОҲИБЛАРИ

Олмалиқ шаҳар саноат касб-ҳунар коллежида «Энг иқтидорли ёш истеъдод — 2006» кўрик-танловининг дастлабки ҳудудий босқичи бўлиб ўтди.

Унда Олмалиқ ва Оҳангарон шаҳарлари, Оҳангарон, Пскент туманларидаги касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари қатнашдилар. Танлов якунларига кўра, Олмалиқ саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчиларидан Ҳафиза Абдусаломова биринчи ўринни, Умида Абдураҳмонова иккинчи, Нуробод шаҳри касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Раъно Давлатова учинчи ўринни қўлга киритишди.

Бекобод шаҳар техника-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида ўтказилган навбатдаги ҳудудий босқичда эса, Бўка ва Бекобод туманларида жойлашган касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари истеъмолчи ҳуқуқларини қанчалик пухта билишларини намойиш қилишди. Бекобод туман педагогика коллежи ўқувчилари Саиджон Исоқов, Нигора Бўсиновалар биринчи ва иккинчи, Бўка агросаноат коллежи ўқувчиси Дилноза Собирова учинчи ўринларни қўлга киритишди. Танловни «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати мутасадди идоралар билан ҳамкорликда ташкил этмоқда.

Амрулло КАРИМОВ.

НУРОНИЙЛАР МАСЛАҲАТЛАШИБ ОЛИШДИ

«Нуроний» жамғармаси Чиноз туман бўлимининг жойлардаги марказларида тез-тез турли мавзуларда тадбирлар ўтказилиши яхши анъанага айланган.

Шундай тадбирлардан бири — маслаҳат йиғилиши Яллама қишлоқ «Нуроний» жамоатчилик марказида бўлиб ўтди. Йиғилишда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига аҳолининг масъуллигини ошириш, пенсиялар тарқатилишини тартибга солиш каби масалалар ўртага ташланди.

Отахонлар маслаҳати билан нафақалар дастлаб уруш фахрийлари, ногиронлар, шундан сўнг ёлғиз оналар ва бошқа пенсионерларга берилиши хусусида келишиб олинди.

Ўз мухбиримиз.

Замондош ҳақида сўз

Ўтган асрнинг 30-йиллари эди. Эрта кўкламда Зангиота тумани Хонобод қишлоғидаги мактабларнинг бирида деҳқонлар йиғилиши ўтказилди. Ўша кезлари Карим Юсупов 20 ёшли йигит бўлиб, уни колхоз бригадаларидан бирига етакчи қилиб сайлашди.

«ЮСУПОВ» НАВИНИ ЯРАТГАН ОЛИМ

Барча ер омоч билан ҳайдалиб, деҳқонлар катта-катта майдонлардаги экинларга кетмон билан ишлов беришарди, бор меҳрларини ерга улашардилар. У вақтларда на трактор, на культиватор деган гап бор. Мақсадга эришиш учун озмунча тер тўкилмасди.

Ўша йил якунига келиб, пахтадан ҳам, сабзавот экинларидан ҳам энг юқори ҳосилдорликка эришилди. Ҳукумат томонидан хўжаликка дастлабки кичкинагина трактор — «Фордзон» совға қилинди. Бу воқеа Карим Юсупов учун кенг имкониятлар эшигини очди. Дастлаб тракторчилар курсида, кейин рабфакда, ниҳоят, Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик институтида таҳсил олди.

... Шу зайлда йиллар ўтди. Ҳосилдорликни ошириш, қолаверса, янги-янги экин навларини яратиш илинжида тинимсиз изланган К. Юсупов тез орада бутун қишлоққа танилди...

Бугунги кунда «Юсупов-40» навли помидор бозор расталарининг кўрки. Унинг бозори чаққон. Бу нав Карим Юсуповнинг неча йиллик машаққатли меҳнатлари маҳсулидир. Тўғри, ҳар қандай янгиликнинг ўзига йўл очиши осон кечмайди. Баъзи амалдорлар ўшанда расмиятчилик қилиб, «Дипломсиз селекциячи», «Янги навлигини қандай исбот қиласан?» каби киноялі сўзлар билан ҳақиқатни тан олгилари келмади. Лекин, янгиликнинг гувоҳи бўлганлар уни «академик» дея аташарди.

Карим Юсупов селекция ишини Иккинчи жаҳон уруши тугаган йиллари бошлаган. Халққа кўплаб ноз-неъматлар кераклигини англаган миришкор деҳқон 1955 йилга келиб, 33 туп ҳандалак-помидор етиштиришга ва бундан 17 грамм уруғ олишга муваффақ бўлди. Яна икки йил мобайнида кенг майдонларга экилган ана шу экин уруғи 7 килограммга етди. У янги нав яратиш устида роппа-роса 22 йил уринди. Сабзавот-полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг селекция бўлимида самарали меҳнат қилди. «Юсупов-40» помидори дастлаб кичик майдонда экилди. Янги нав майдонларини кўпайтириш осон эмас эди: бир тонна помидордан атиги 1 килограммга етар-етмас уруғлик олинарди. Лекин, дони жуда йирик, таъми ёқимли бу помидорлар республикамизнинг ҳамма бозорларида кўпайиб кетадиган вақт узоқ эмасди. 1965 йилга келиб, институтда бир неча юз гектарга етадиган уруғлик заҳираси жамланди.

Янгиликнинг иқтисодий имкониятлари кенг бўлиб, бошқа нав помидорлардан анчагина фарқ қилади. Помидорнинг Чударенко ҳамда Маргулоб навларини чатиштириш йўли билан яратилган ушбу нав 1967 йили ҳудудлаштирилди. Ўртача ҳосил олинган 1965 йили ҳар гектарга одатдагича 40 минг эмас, 24 минг кўчат экилган. Шунинг ҳисобига 480 сўмдан фойда кўрилди. Ҳосилдорлик 135 тоннагача етиб борди. Ҳар гектаридан 1058 сўм соф фойда қилинди.

«Юсупов-40»нинг инсон соғлиғи учун нақадар фойдалилиги қимёвий усулда текшириб кўрилганида аниқланган. Яъни, таркибида 6 фоизгача қанд моддаси борлиги исботланган. Ҳолбуки, бошқа нав помидорларда бу кўрсаткич 2-3 фоиздан ошмасди. 50-55 милиграмм-фоиз «С» белгили дармондори бошқа нав помидорларда 20 га ҳам етмасди. Унинг таркибида консерва саноати учун зарур бўлган қуруқ модда — 8-10 фоизни ташкил этиб, бу жуда юқори кўрсаткич эди.

Дастлабки натижаларга эришилган йиллари «Юсупов-40» нави катта шуҳрат қозонди. Жумладан, чамаси 1968 йиллари Москвада ўтказилган Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида селекционер юртдошимиз Карим Юсупов яратган помидорнинг янги нави хориж-лик мутахассисларда ҳам катта таассурот қолдирди. Бу вақтда у Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном унвонига сазовор бўлган эди.

Мана замондошимиз бир асрга яқин умр кўрибди-ки, ҳамон тиним билмайди, бир этак набираларини деҳқончилик сир-асрорларидан бохабар этиб, ҳаётдан завқ олиб, эзгулик сари интилиб яшайди.

Ҳасан ЖЎРАЕВ.

Мавсум тадориги

МАҚСАДГА ЯРАША ҲАРАКАТ

Бекобод туманидаги «Далварзин» ширкат хўжалиги ўтган йили пахтачиликда салмоқли ютуқларни қўлга киритди. 3310 тонна хом ашё етиштирган хўжалик пахтакорлари давлат шартномавий режасини 110 фоизга уддаладилар. Ҳосилнинг 80 фоизи юқори навларга топширилди. Олинган соф фойда 120 миллион сўмдан ошди.

Ғалла топшириш бўйича белгиланган мажбурият ҳам муваффақиятли уддаланди. 2500 тонна сара дон етиштирилиб, 60 миллион сўм соф даромад олинди.

Айниқса, Олим Розиқов, Эргаш Аҳмедов, Обид Абдураззоқов, Тоир Шамсиддинов бошлиқ оилавий пудратчилар омилкорлик билан иш юритганликлари боис юқори натижаларга эришдилар.

Хўжалик деҳқонлари бу йил ҳам пахта ва ғалладан юқори ҳосил етиштиришни мақсад қилишган. Бунинг учун ҳозирданоқ пухта тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Айни кунларда 964 гектар ғалла майдонларига маҳаллий ўғит чиқариляпти. Қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш ишлари муддатидан илгари якунланди.

Хўжалик техник таъмирловчиларининг, чилангару пайвандчиларнинг муносиб меҳнати туфайли юзлаб агротехник ускуналар мавсумга тайёрлаб қўйилди. Шунингдек, тумандаги Навоий номли ширкат хўжалигида ҳам баҳорги экиш мавсумига тайёргарлик ишлари жадал олиб борилаётир. Шу кунгача ўнлаб тракторлар ва зарур механизмлар жорий таъмирдан чиқарилиб, шай ҳолга келтирилди.

Ашурали БОЙМУРОДОВ.

Мутахассис минбари

Маълумки, ҳосил ва унинг сифати кўп жиҳатдан уруғликни ўз вақтида, қиёмига етказиб тайёрлашга боғлиқ. Шу боисдан вилоят селекционерлари сифатли уруғлик чигит тайёрлашга қаратилган кечиктириб бўлмас чора-тадбирларни изчил амалга оширмоқдалар.

МЎЛ ҲОСИЛНИНГ ТЎРТ ОМИЛИ

Вилоятдаги пахта тозалаш корхоналарида қабул қилинган уруғлик пахтани навлар бўйича ғарамлаш, янги брезентлар билан ёпиш, ҳом ашёни меъёрдаги намликда сақлашдек муҳим ишларга катта эътибор билан қаралаётир. Чигитни толадан ажратишни илғор технологик қоидалар асосида бажариш, бошқа нав ва репродукцияли уруғлар билан аралашиб кетишининг олдини олиш, саралаш, туксизлантириш ва тегишли препаратлар билан дорилаш жараёнларида ҳам ўзгаришлар рўй бермоқда.

Умуман олганда, вилоятда сўнгги йилларда уруғликка касаллик ва ҳашаротларга қарши ишлов беришда атроф-муҳитга кам зарар етказадиган янги кимёвий дорилардан фойдаланиш йўлга қўйилди. Агар бундан 5-6 йил илгари дорилагичларнинг деярли ҳаммаси четдан валюта ҳисобига олиб келинган бўлса, кейинги икки йил ичида республикамизнинг ўзида тайёрланаётган П-4, «Ҳимоя», «Бронапол» каби дорилардан фойдаланилаяпти.

Уруғлик сифатини яхшилаш, уни ўз вақтида хўжалик ва фермерларга етказиб бериш юқори ҳосилдорликка эришишнинг бирламчи шартидир. Шу билан бирга, уруғни ўз муддатида, бехато экиш, тўла ва текис ундириб олиш, агротехника тадбирларини тўғри бажариш талаб этилади. Бу борада хали тармоққа жорий қилиниши зарур бўлган омиллар ҳам талайгина.

Биринчидан, чигитни туксизлантиришдан мақсад уни уялаб экиш, ҳар бир уяга белгиланган миқдорда уруғ ташлаш ва натижада ғўзани ягана қилишдан қутулишдир. Аммо сўнгги йилларда кўп жойларда туксиз чигит ҳам қаторлаб экилмоқда. Бундай қилинар экан, ортиқча меҳнат сарфлаб, чигитни туксизлантириб ўтиришнинг нима ҳожати бор? Демак, туксизлантирилган чигит экиладиган жойларда барча сеялкаларнинг экиш дискларини ўрнига қўйиб, уялаб экишга ўтиш лозим. Бу масалани тўғри ҳал этиш — жойлардаги муҳандис-техник ходимларнинг кечиктириб бўлмас вазифасидир.

Иккинчидан, олимлар тўла туксизлантирилган чигит ўрнига қисман туксизлантирилган чигитни экиш ҳам ҳосилга ҳеч қандай зарар етказмаслигини, аксинча, унинг унувчанлик хусусияти ошиши, шу билан бирга харажат анча камайиши мумкинлигини аниқлашди. Бу масала юзасидан давлат андозасига тегишли ўзгартиришлар киритилиб, уни қўллашга рухсат берилди. Шундай бўлишига қарамай, жойларда бу билан боғлиқ амалий ҳаракатлар суст бўлаётир. Сабабини суриштирсангиз, юқоридан топшириқ беришмаяпти, деб жавоб қайтаришади. Бозор иқтисоди шароитида фойдали усулларни мустақил, бировдан топшириқ кутиб ўтирмай, қўллайвериш мумкин эмасми?

Учинчидан, кўп корхоналарда тайёрланган чигитнинг бир қисми экиш мавсумидан кейин ортиб қолади. Вилоятда ҳам бу йил 2004 йил ҳосилидан қолган 100 тонна чигит бор. Уруғшунос, олимлар томонидан олиб борилган тажрибаларга кўра, бир йил сақланган уруғлик чигитдан 39,8 центнер ҳосил олинган бўлса, икки йил сақланган чигитдан 42 центнер ҳосил олиш мумкинлиги аниқланган. Уруғлик пахта уч йил сақланганда бир йил сақланган чигитга нисбатан икки баравар юқори ҳосил бериши мумкинлиги ҳам ойдинлашди. Айрим мутахассисларнинг бу борадаги тушунчаси нотўғри бўлганлиги боис, икки йил сақланган чигит кўп ҳолларда ёғ заводларига топшириб юборилаётир.

Тўртинчидан, фан томонидан уруғнинг репродукцияси (авлоди) ҳосилга мутлақо таъсир этмаслиги тасдиқланган бўлишига қарамай, сўнгги йилларда асосий майдонларда биринчи ва иккинчи репродукцияли уруғлар экилиб келинмоқда. Масалан, бу йил вилоятда тайёрланган уруғлик пахтанинг атиги 18 фоизи учинчи репродукцияга тааллуқлидир. Мутахассислар тавсияси шуки, фақат 1-2 репродукцияли чигитларни экишни кескин камайтириб, учинчи ва тўртинчи авлодга мансуб чигитлардан фойдаланишга ўтиш лозим.

Шунингдек, вилоят хўжаликларида трипс ва шира катта майдонларда тарқалган. Ўтказилган тажрибалар бу пахта ҳосилини ўртача 8 центнер камайтиришини кўрсатди. Бу ҳашаротларга қарши курашишда ҳимоя воситаларидан кенгроқ фойдаланишни тақозо этади. Бундан ташқари шу кунларда, албатта, чигитни экишдан олдин димлайдиган шаҳобчаларни шай ҳолатга келтириш мақсадга мувофиқдир.

Раҳим ИСАЕВ,
Республика қишлоқ хўжалик экинлари бирламчи уруғчилиги ва уруғшунослик станцияси катта илмий ходими, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.

ТАНЛОВ ДАВОМ ЭТЯПТИ

Қуйичирчиқ туман халқ таълими бўлими ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман кенгаши ҳамкорлигида «Сиз тарихни биласизми?» кўрик-танловининг ҳудудий босқичлари ташкил этилмоқда.

Навбатдаги ҳудудий босқич 45-, 48-, 31-умумтаълим мактабларида ўтказилди. Унда ёшлар тарихимизга доир билим даражаларини синаб кўришди. Танлов натижаларига кўра 45-умумтаълим мактабининг «Темурийлар», 49-мактабнинг «Соҳибқирон», 33-мактабнинг «Асрлар пойдевори» жамоалари ғолибликни қўлга киритиб, танловнинг туман босқичига йўлланма олишди.

Ўз мухбиримиз.

Қарор ва ижро

Вилоят халқ таълими бошқармасида бўлиб ўтган йиғилишда бошқа долзарб масалалар қатори Республика Президентининг 2005 йил 25 ноябрдаги «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг ижросига доир масала ҳам кўриб чиқилди.



МУАЛЛИМНИНГ ИШ ҲАҚИ НИМАГА БОҒЛИҚ?

— Юртбошимизнинг «Бир сўм топсам ҳам ўқитувчиларга бераман», деган сўзлари ушбу қарор билан амалий кучга кирди, — деди қатнашчилардан бири, Зангиота туман ХТБ услубиёт хонаси мудири Кўзибой Ортиқов. — Зиёлиларнинг асосий қисми ҳисобланувчи устоз-муаллимлар ҳамиша давлат эътиборида. Бу фидойи ва заҳматкаш инсонларнинг жамиятдаги обрў ва нуфузини кўтариш учун талай ишлар қилинмоқда. Шу йил январдан бошлаб жорий этилган ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги такомиллаштирилган тизими ҳам пировард натижада жамиятимизнинг асосий мақсади — баркамол авлодни тарбиялаб, вояга етказишга хизмат қилади. Зеро, миллат истиқболи шу заминда улғаяётган ўғил-қизларнинг билимдонлик даражасига боғлиқ экани ҳаммага аён.

Мактабда таълим сифатини кўтаришда устоз маҳоратининг аҳамияти катта. Тўлақонли педагогик фаолият фақат ўқув юкламасини бажариш, яъни дарс соатларини ўтиш билан чегараланиб қолмай, балки у жуда серқирра бўлиб, бир қанча синфдан ташқари ишларни ҳам ўз ичига олади. Янги тизимнинг эътиборли томони шундаки, ўқитувчилар иш ҳақи энди ҳақиқий йиллик юклама ҳисобидан, намунавий режа асосида белгиланади. Бу режада ўқитувчининг бир йилда, чоракда, ойда бажарган ишлари соатларга бўлиниб, аниқ акс эттирилади. Режа беш бўлимдан иборат: ўқув машғулотларига тайёргарлик кўриш ҳамда ўқув жараёнини таъминлаш, ташкилий-педагогик фаолият, ўқувчилар билан мактабдан ва синфдан ташқари ишлаш, мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлиги доирасида амалга ошириладиган ишлар.

Чиндан ҳам 45 дақиқалик дарс йирик бир асар кабидир, деганларидек дарснинг бугунги кун талаби даражасида ўтиши, самарадорликка эришиш учун муаллим унга пухта тайёргарлик кўради, яъни қўшимча маълумотлар тўплайди, кўргазмали жиҳозлар ва техник воситаларни тайёрлайди, услубий адабиётлар билан танишади. Аълочи ва бўш ўзлаштирувчилар билан алоҳида-алоҳида ишлашни ташкил этади, болаларни қизиқтириш учун тўгараклар очади, тарбиявий тадбирлар ўтказади. Шу сингари ўқув жараёни билан боғлиқ вазифалар ҳам янги такомиллаштирилган тизимда ҳисобга олинадиган бўлди.

Айни пайтда барча мактабларда муаллимларимиз янгича йиллик режа бўйича ишлашмоқда. Улар қарор моҳияти, унинг асосида тайёрланган йўриқномада кўрсатилган ҳақ тўлаш механизми билан таништирилди. Давлатимиз келажаги — баркамол авлод тарбиясига бел боғлаган ҳар бир ўқитувчи энди ўзининг меҳнат ҳақи ўқувчиларнинг Давлат таълим стандартларида белгиланган билим, малака ва кўникмаларни тўлиқ ўзлаштирганликлари даражасига қараб ортишини англаган ҳолда, ишга масъулият билан ёндошади. Янги тизим фарзандларимизнинг билим сифатига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Машкура ЗОҲИДОВА.

СУРАТДА: *Зангиота туман халқ таълими бўлими услубиёт хонаси мудири Кўзибой Ортиқов.*

Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

ЭНДИ КУНИГА ҚАТНАЙДИ

Баҳор яқинлашиши билан темирйўл станцияларида йўловчилар гавжум бўла бошлаганини инобатга олиб, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси ҳамда «Ўзтемирйўловчи» акциядорлик жамияти Тошкентдан мамлакатимизнинг турли ҳудудларига янги поездлар қатновини йўлга қўймоқда.

Чунончи, Тошкент — Ангрен йўналишида илгари ҳафтада бир марта қатнаган поезд энди ҳар куни эрталаб йўлга чиқиб, шу куннинг ўзида кечқурун пойтахтга қайтиб келмоқда.

Акбар АЛИЕВ.

«ХУАВЕЙ»НИНГ АФЗАЛЛИГИ

2005 йилда «Тоштелеком» филиали Чиноз телекоммуникация боғламаси ҳудудига Хитойнинг «Хуавей» компаниясининг рақамли электрон телефон станцияси ўрнатилди.

Унинг асосий афзаллиги шундаки, шиша толали кабель орқали шаҳарлараро алоқа ўрнатиш имконияти яхшиланади. Бундан ташқари, қатор сервис хизматлари абонентлар учун қўшимча қулайликлар яратади.

— Ўтган йилнинг охирларида 2816 абонент янги станцияга уланди, — деди Чиноз телекоммуникациялар боғламаси бош муҳандиси Марат Шафеев. — Аввал «Йўл тушган» хўжалиги ҳудудида 60 та мижозимиз бор бўлса, янги станция хизматлари йўлга қўйилгач, уларнинг сони 110 тага етди. Бугун «Эшонобод» ширкат хўжалигида кабель уловчи ва тармоқ монтёрларимиз иш олиб боришаётир. Ҳозирча хўжалик бўйича 32 та телефон ишламоқда. Лойиҳа бўйича улар 120 тага етказилади.

Шаҳноза НАЗАРОВА.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

ХАСТАЛИК БЎЙИЧА ШТАБ

РОССИЯ ҳукумати қошида «парранда гриппи»га қарши кураш штаби тузилди.

Штаб раҳбари этиб бош вазирнинг биринчи ўринбосари Дмитрий Медведев тайинланди. Ҳозиргача ёввойи қушларнинг грипп билан ҳасталаниш ҳоллари Россиянинг олти минтақасида аниқланган. Уй паррандаларининг нобуд бўлиши эса, тўрт жойда — Доғистон, Қалмиқ, Ставрополье ва Кубанда қайд этилган.

МУТЛАҚО НОТЎҒРИ

ФАЛАСТИН мухторияти президенти Махмуд Аббос ўзи ҳақида тарқатилган гап-сўзларни инкор этди.

Муқаддам, ХАМАС ҳокимият тепасига келгач, Исроил билан тинч музокараларни давом эттиришнинг иложи бўлмаса, давлат раҳбари ўз лавозимини тарк этишга тайёрлиги хусусида хабар берилганди. «Мутлақо бундай эмас», – деди Махмуд Аббос.

МУВАФФАҚИЯТСИЗ ТАДҚИҚОТ

ИСРОИЛ ҳарбий заводидаги лабораториялардан бирида олиб борилаётган тажрибавий тадқиқот пайтида портлаш юз берди.

Лабораторияда бўлган одамларнинг баъзилари куйган, портлаш натижасида сочилган парчалардан жароҳатланганлар бор. 10 нафар одам енгил, икки киши ўрта даражада жароҳат олган. Ярадорлар Хайфедаги РАМБАМ шифохонасига келтирилди.



БОЗОР ПЕШҚАДАМИ



ЯПОНИЯнинг Nippon Sheet Glass Co., Ltd. компанияси Британиядаги Pillkington plc. ойнасозлик корхонаси акцияларининг 80 фоизини харид қилишга ахд қилди. Nippon ҳар бир акция учун 2,91 доллардан, жами 3,08 миллиард доллар тўлайди. Мазкур битим туфайли бирлашган холдинг шу соҳа бўйича жаҳон бозори пешқадамига айланди.

ШАРОИТ ТАҚОЗОСИ

РОССИЯнинг Санкт-Петербург шаҳрида Басман бозорига ўхшаш иншоотларни режадан ташқари текшириб чиқишга қарор қилинди.

Шаҳар вице-губернатори Александр Вахмистров шаҳар қўмиталари раҳбарларига шу ҳақда тегишли хат жўнатди. Унга кўра ўхшаш биноларни ўрганиш учун махсус комиссиялар тузиш назарда тутилган.

● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport

Юқоричирчиқ қурилиш-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида ёшлар ўртасида спортнинг каратэ тури бўйича мусобақа бўлиб ўтди.

ҲАМКОРЛИКДАГИ МУСОБАҚА

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ҳамда Тошкент шаҳар «Билол-каратэ» спорт клуби ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда 120 нафар ёш, умидли спортчилар қатнашди. Голибларга совғалар ҳамда мусобақа дипломи топширилди.

Ўз мухбиримиз.

ҲАММА ГАП ЗЕҲНДА

Юқоричирчиқ туманидаги 9-умумтаълим мактабида шашка бўйича мусобақа бўлиб ўтди. Уни «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти уюштирди.

Мусобақада тумандаги учта мактабнинг 30 нафар ўқувчилари иштирок этди. Якуний натижаларга кўра, 18-мактаб ўқувчилари биринчи ўринни эгаллади.

Латифжон МАНСУРОВ.

МАЙДОНДА ЁШ ПАҲЛАВОНЛАР

Вилоят «Турон» якка кураш федерацияси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими ҳамкорлигида Тошкент туманида ўтказилган мусобақа Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланди.

«Турон» якка кураши бўйича вилоят биринчилигида 16 жамоанинг 250 га яқин ёш спортчилари баҳс юритишди. Мусобақанинг якуний натижаларига кўра, умумжамоа ҳисобида мезбон спортчилар шоҳсупанинг юқори поғонасини эгаллашди. Кейинги ўринларни Зангиота жамоаси вакиллари ҳамда олмалиқликлар забт этишди.

Тадбир сўнгида ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Хуршида МЎМИНОВА.

МАҲАЛЛАДА ЯНГИ КЛУБ

Ангрендаги Жигаристон маҳалласида спортнинг миллий кураш турини оммалаштириш мақсадида «Ўзбеккўмир» очиқ акциядорлик бирлашмаси тасарруфидаги Кончилар маданият уйи маҳалла ихтиёрига берилиб, ҳашар йўли билан таъмирланди.

Бугунги кунда клубда 200 дан ортиқ ўсмир ва ёшлар миллий кураш бўйича машғулотларда қатнашаяпти.

— Жигаристондан ташқари Грум, Нурчи, Нишбош, Чинобод ва 8 март маҳаллаларидан келган ёшлар ҳам клубнинг фаол аъзолари ҳисобланишади, — дейди миллий кураш бўйича мураббийлар Мурод Рахов, Озод Матиброҳимов. — Курашчиларимиз бир қатор нуфузли мусобақаларда ҳам иштирок этяптилар.

Шу кунларда бу ерда спортнинг стол тенниси, таэквондо турларини ҳам йўлга қўйишга ва курашчиларнинг наврўзолди спорт мусобақаларига тайёргарлик кўришларида маҳалла қўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси шаҳар бўлими бош-қош бўлмоқда.

Мунаввара РАЖАББОЙ қизи.

Ёш спортчиларимизнинг халқаро мусобақаларда нуфузли ўринларни қўлга киритиб келаётганлиги мамлакатимизда спортга берилаётган эътибор ва ғамхўрлик самараси бўлаётир. Хусусан, юртимизда спортнинг каратэ тури ҳам тобора оммалашиб, бу йўналишда қатор истеъдод эгалари етишиб чиқмоқда.

ИСТЕЪДОД ЭГАЛАРИ САРАЛАНДИ

Ўтган ҳафта якунида пойтахтдаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида болалар ва ўсмирлар ўртасида навбатдаги мамлакат чемпионати беллашувлари бўлиб ўтди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва мутасадди идоралар ташаббуси ҳамда кўмагида ташкил этилган мусобақада юртимизнинг турли гўшаларидан ташриф буюрган мингдан ортиқ ёшлар ўзаро куч синашдилар.

Кескин ва қизиқарли курашлар остида ўтган мусобақалар якунига кўра, умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри вакиллари биринчи ўринга лойиқ топилди. Иккинчи ва учинчи ўринларни эса Андижон ва Қашқадарё вилояти ёшлари қўлга киритдилар.

Ғолиб ва совриндорларга мусобақа дипломи ва ҳомийларнинг эсдалик совғалари топширилди.

СУРАТЛАРДА: *мусобақадан лавҳалар.*

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Шеърият

БАҲОР ФАРЗАНДИ

Эсар баҳор еллари,
Нур эмади ниҳоллар,
Дилни тортар йўллари,
Унда кўрку жамоллар.
Ел йўли у фараҳбахш.
Доим шўху беором,
Йўлларида унар нақш,
Боғи чаман, гул айём.
Кўксин тутар она ер,
Саррин сафо елларга,
Бизла замин бирга дер,
Нур элтамиз элларга.
Нур ҳаётнинг чиройи,
Ундан унар, боғ, чаман,
Она элим нур жойи,
Дерлар қуёшли Ватан.
Замин яшнар баҳорда,
Боғбонимиз дилбанди,
Меҳримиз гул диёрда,
Бизлар баҳор фарзанди.

ҲАМОҲАНГ МИСРАЛАР

Баҳор, нурга тўлиб келасан,
Ҳар йил гулга тўлиб келасан,
Сенинг хушвақт, куй, тинч йўлларинг,
Оламга у севинч гулларинг.

Гул очилса, кўнгил очилар,
Ерга хушбўй инжу сочилар,
Баҳор билан она заминга,
Чирой танлаб, нурлар сочилар.

Йилларнинг йўлидан излама сафо,
Дилларнинг чўғидан яралган дунё.
Йўл кутсанг, эл кутсанг, ўйлаб кўр аввал,
Йилгамас, дилга боқ, у ҳақ муддао.

Қор ёққан кунлари ҳовлимизга,
Қушлар келишар тўдалашиб,
Дон сепсам севиниб наздимга,
Югуришар ризқи-чун чувалашиб.

Халқим қадим замонлар,
Чўлда эртак яратган,
Йиллар ўтиб армонлар,
Элда куртак яратган.

Куртак униб гул бўлган,
Ғунчалари мўл бўлган,
Мўл гулларнинг баҳри бор,
Ундан Ширин шаҳри бор.

НАЗАРМАТ.

АСР ДАРДИ

БОЙКАСАЛ

ТЎРТИНЧИ МАҚОЛА:

НАҲОТКИ ОДАМ ШУ АЛФОЗГА ТУШСА?!

Қаршимда мукаррама аёлларнинг бир вакиласи ўтирибди. Бир пайтлари чамаси, ўзига жуда ярашган, афсуски, бугун тус-рангини фарқлаб бўлмай қолган атлас кўйлаги қоқсуяк елкаларига илиниб, ҳилвирабгина турибди. Илгарилари рўпара келган йигитлар кўнглини орзиқтирган чеҳрасида гўзал юзининг эти устухонига ёпишиб, бўйин терлари ҳалқа-ҳалқа бўлиб қолган. Эндиликда қорами, кўкми эканлигини билиб бўлмайдиган кўзлари чуқур тушиб, нурсиз мўлтиллайди.

— «Оқ ажал» мени адоитамом қилди, ака, — деди аёл эшитилар-эшитилмас. — Тузуккина ишда эдим, диссертацияни тугатаётгандим. Иш столим устида ҳамиша бир шишада кока-кола турарди. Билмабман, бир ҳасадчи ҳамкасбим гоҳида унга қиттаккина героин аралаштириб қўяркан. Сезиб қолганимда, аллақачон кеч бўлган экан. Айтмоқчиманки, бедаво бу дардга чалиниб бўлган эканман...

Гиёҳвандлик аъзоларни емириб, умрни кемиради. Мутахассисларнинг фикрича, 14-15 ёшдан бошлаб гиёҳванд моддаларга ружу қўйган ўсмир нари борса яна олтиетти йил яшар экан. Бу орада у не-не азоб-уқубатларни тортиши, ота-онаси, қариндош-уруғларини қандай ташвишу надоматларга қолдиришини-ку, қўяверасиз.

Айтишларича, гиёҳванд моддалар уни қабул қилган пайтда кайфиятни яхшилаб, одам ўзини бамисоли арши аълода юргандек ҳис қиларкан. Лекин бора-бора идрок карахтланиб, иродани саробга айлантиради. Ҳатто, марихуанани ахён-ахёнда истеъмол қилиш ҳам инсондаги қизиқишни, ўқишга, ишга интилишни сусайтиради, хотирлаш қобилияти аввалига қисқа-қисқа, кейинчалик кўпроқ муддат йўқотилишига сабаб бўлади. Киши идрок, сезги ва ҳаракатларини мутлақо мувофиқлаштира олмайди.

Белоциногенлар, масалан, ЛСД идрокни чалкаштириб, юрак уришига, қон босимига кескин салбий таъсир кўрсатади. Кишининг руҳий ҳолатларида шундай қусурлар пайдо бўладики, бу атрофдагиларда гоҳ ачиниш ҳиссини уйғотса, гоҳ кулгига сабаб бўлади, баъзан нафратни қўзғотади. Чунки, бундай гиёҳванд моддани қабул қилувчида безовталик кучайиб, кўзига ҳар турли нарсалар кўринаверади, ўзини қачонлардир бўлиб ўтган у ёки бу воқеа ичида ўйлаб, ҳар томонга талпиниб, ўқрайиб, валдирайверади.

Кокаин ва амфетаминлар бош оғриғини кучайтиради. Қон босими кўтарилиб, юрак уриши тезлашади, томирлар тортишиб, кучли безовталик, уйқусизлик бошланади.

Героин қабул қилувчиларда нафас олиш сустлашиб, тери қуруқшаб кетади, қичишади. Фикрларда чалкашлик бошланади, гапиришда қусурлар сезилиб қолади. Киши ғайритабиий ҳаракатлар қила бошлайди. Героинга ружу қўйиш вақт ўтиши билан жисмоний ва руҳий сусткашликни келтириб чиқаради. Уни устма-уст қабул қилишга, дозани ошириб боришга рағбатни кучайтиради. Дозани кўпайтириш эса, ўлимга ҳам сабаб бўлади.

Одамларнинг тасаввурига кўра, наша, экстази сингари гиёҳванд моддаларнинг зарари камроқ, истеъмол қилувчи шахсларнинг руҳий ҳолати, тафаккури ва эслаб қолиш, фанларни ўзлаштириш қобилиятларига зарари дарҳол сезилмайди. Шу боис, айниқса, ёшлар уларнинг таъсирига писандсизлик билан қараб, пировардида бедаво дардга чалиниб қолганликларини ўзлари ҳам сезмай қолишади. Дарҳақиқат, тадқиқотчиларнинг хулосаларига кўра, экстази моддаларини истеъмол қилиш миянинг муайян функцияларини асл ҳолига қайтариб бўлмайдиган даражада ўзгартириб юборади. Жигар ва бошқа аъзоларга зарар етказади.

Қонга тушган гиёҳванд моддалар жигарга ҳам етиб боради. Натижада унда оқсилнинг синтезланиши кескин пасаяди, инсон аъзоларида иммунитет заифлашиб, қонни ивитувчи тизим бузилади. Гиёҳвандлик бош мия кислород билан етарли таъминланмаслигига, оқибатда, унинг ҳужайралари нобуд бўлишига олиб келади.

Бугунги кунда токсикомания кенг расм бўлиб бораяпти. Ҳолбуки, елим, бўёқ, бензин ва бошқа тозалайдиган суюқликларнинг бўғидан муттасил нафас олиш, жигар, буйрак ва юракни заҳарлаб, баъзилари мия тез айнишига олиб келади.

Одамзот ҳамиша кайфиятини кўтаришни кўзлаб яшайди. Буни яхши амаллардан кўра гиёҳванд моддаларни қабул қилишдан излаган кишилар билишмайдики, улар истеъмол жараёнидаёқ минг бир дардга мубтало бўлишади. Айтайлик, героин водопровод сувида суюлтирилганида, кўпдан-кўп тирик ва ўлик микроорганизмлар қонга аралашиб кетади. Бу, аввало, тана ҳарорати юқори кўтарилишига сабаб бўлади. Қолаверса, кўнгил айниб, бош айланадиган бўлиб қолади, қувватсизлик, бел ва бўғимларда оғриқ пайдо бўлади. Юқори ҳароратда мия ҳужайралари кўплаб нобуд бўлади.

Гиёҳвандлар орасида суяк тўқимаси ва тишлар зарарланиши кўп учрайди.

Ташвишланарли жиҳати шундаки, гиёҳванд моддаларни инъекция орқали қабул қилувчиларнинг ўртача умри камайиб бораяпти. Уларнинг кўпчилиги гиёҳвандликни героинни тўппа-тўғри томирга юборишдан бошлайди. Мамлакатда гиёҳвандларнинг ҳар иккинчиси героин истеъмол қилиши, уларнинг 80 фоизи бу ишни шприц орқали амалга ошириши ҳисобга олинса, жамиятни ташвишга солувчи бу хатарнинг ҳуружи қанчалик катта эканлигини англаб етиш қийин эмас.

Гиёҳвандларни барвақт аниқлаш мушкул. Гиёҳвандлик — хуфёна жараён бўлиб, унга чалинганлар жамиятда олиб борилаётган дастурий-профилактика тадбирлари учун «ёпиқ» гуруҳ ҳисобланади.

Бу эса, ОИТС, захм ва бошқа юқумли касалликлар турли минтақаларда тез тарқалишига сабаб бўлаётир. Гиёҳванд моддалар томирга, тўқималарга, тери остига юборилганида вирус қон қолдиғи билан ўтади. Инъекция учун умумий шприц ва ниналардан фойдаланиш, «кайф» ҳолатидаги эркак-аёл муносабатлари бу хавфни яна ҳам кучайтиради.

Умуман, укол усулидан фойдаланиш ОИТС вирусларини, бошқа инфекцияларни, В ва С турдаги гепатитни юқтириш «имконияти»ни кенгайтирмоқда. Бахрайн, Грузия, Италия, Қозоғистон, Португалия, Испания, Югославияда ОИТСга чалинганларнинг деярли 60 фоизи бу дардни ўзига «нина учида» юқтириб олган. Бу тоифа касаллар Россияда 90 фоиздан кўпроқ. Жаҳондаги 93 мамлакатда ОИТС шу усул билан юқтириб олинмоқда.

Лекин, бало якка-ёлғиз ёпирилмайди. Айтмоқчимизки, гиёҳвандлик пировардида кишини бошқа дардларга ҳам мубтало қилади. Кўпинча, гиёҳвандлар ОИТС билан бир қаторда сил ёки гепатитнинг ўта оғир турларига чалиниб қоладилар. Бу ҳолат жиноятчиларнинг жазони ўташ жойларида кўпроқ кузатилади. Шуни айтиш кифояки, ОИТСни юқтириб олганларнинг 46 фоизи озодликдан маҳрум этилган шахслардир.

Гиёҳвандлик оқибатида орттирилиши мумкин бўлган яна бир оғир дард — захм. Акушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институтининг ходимлари ўтказган текширишлар жараёнида ҳар 100 минг кишидан 221 киши бу дардга чалинганлиги аниқланди. Ҳозирги пайтда жаҳонда 40 миллиондан ортиқ одам ОИТСни юқтириб олган. Бу эпидемия Россия, Украина, Марказий Осиё мамлакатлари ва Эронда кучайиб бораётганлиги кузатилмоқда. Чунончи, Россияда 318 минг киши бу дардга чалинганлиги қайд қилинган. Уларнинг 80 фоизи 15-25, қисман 30 ёшгача бўлган йигит-қизлардир. Ҳар куни бу мамлакатда 100 киши ОИТС дардига мубтало бўлиб бораяпти. Ҳозиргача ОИТСни юқтириб олган аёллар 21 минг гўдакни дунёга келтирган. Буларнинг ҳаммаси гиёҳвандлар муайян вазиятларда ўзларини бошқаролмай, ҳиссиётларига ўтиб, ҳаёсизлик домига тушиб қолишларининг оқибати, албатта.

Сўнгги пайтларда дозани ошириб юбориб, ОИТСдан вафот этганлар кўпайиб бораётганлиги ҳам ниҳоятда ташвишланарлидир.

Айрим инсонлар бу синов дунёсида ўзини не кўйларга солмайди. Бир дамлик кайфиятлик умрнинг ғазовига айланишини хаёлига ҳам келтирмайди.

— Минг афсус, ўзимнинг бепарволигим сабабли шундай дардга мубтало бўлдим...

Бу шамчироғи ҳилпираб, сўниб бораётган рўпарамдаги аёлнинг гапи. Унинг хорғин, ҳазин овози даҳшатли фарёддай эшитилди менга.

Жўрабек МУРОДОВ.

Детектив мухлислари учун

АЙБДОР ГУВОҲ

Эмила Френч ўлимида айбланаётган Леонард Воулнинг суд жараёни анча шов-шувларга сабаб бўлди. Биринчидан, айбланувчи жуда ёш бўлиб, ниҳоятда самимий эди, иккинчидан, бундай қотиллик унинг қўлидан келмаслигига ишонч бор, учинчидан эса асосий гувоҳ унинг хотини Ромейн Хейльгар.

Жуда кўп газеталар унинг суратини чоп этиб, аёлнинг ўтмишини «титиб» кўришди. Суд давом этарди. Аввал экспертлар ўз хулосаларини айтишди. Сўнг хизматкор Жанет Маккензини сўроқ қилишди. У терговчига айтган гапларини бирма-бир қайтариб берди. Ҳимоячининг берган саволларига ҳам жавоб берар экан, ўша куни ҳақиқатдан ҳам эркак кишининг овозини эшитганлигини, лекин бу Воул эканлигига аниқ далили йўқлигини тан олди. У йиғилганларга мистер Воулни ёқтирмаслигини ҳам очиқ айтди.

Шундан сўнг асосий гувоҳни чақиртиришди.

– Исмингиз Ромейн Хейльгарми?

– Ҳа.

– Келиб чиқишингиз австрияликми?

– Ҳа.

– Охирги уч йилда айбланувчи билан эр-хотин бўлиб яшаганмисиз?

Ромейн Леонарднинг кўзларига қараб:

– Ҳа, – деб жавоб берди.

Сўроқ шу тариқа давом этарди. Ромейн судга даҳшатли воқеаларни гапириб бера бошлади. Қотиллик юз берган куни эри уйдан кичик ломни олиб кетган ва ўндан йигирма минут ўтганда қайтиб келган. Унга қотиллик ҳақида гапирганлиги ва қон теккан кўйлагини ёқиб юборишган. Агар бу гап ташқарига чиқса ўлдираман, деб Воул уни қўрқитган.

Ўтирганлар бу воқеаларни эшитиб айбланувчига нисбатан бўлган хайрихоҳликлари ўрнига ғазаб ўтини ёқишди.

Шунда ҳимоячи ўрнидан шахд билан турди-да, сўз сўради. У бу аёлнинг кўрсатмалари ғирт туҳмат эканлигини, ўша куни у уйда эмас, кинотеатрда бўлганлигини ва Воулнинг қайтганини кўрмаганлигини айтди.

У ўтирганларга Ромейн Хейльгарнинг бошқа эркак билан ишқий муносабати борлигини, эридан қутулгач, унга тегишлигини ўйлаб туҳмат уюштирганини гапириб берди.

Ромейн ҳам ўз навбатида совуққонлик билан унинг айбловларини рад этди. Шундан сўнг залда Ромейн Хейльгарнинг ишқий мактуби ўқилди:

«Севгилим Макс! Тақдирнинг ўзи бизга бахт ато этаётир. У ҳибсга олинди! Уни қайсидир бир қари кампирни ўлдиришда айблашмоқда. Аслида у пашшани ҳам ўлдиришдан қўрқади. Бизнинг бахтли кунларимиз бошланади. Мен унинг уйга ҳаммаёғи қон бўлиб қайтганини ва қотилликни бўйнига олганини айтаман. Уни ўлимга маҳкум этганимни билиб қўйсин! Воул йўқ бўлади ва биз сен билан узоқ йиллар кутган бахтга эришамиз, Макс!»

Экспертлар бу хат ҳақиқатдан Ромейнга тегишли эканлигини исботламоқчи бўлдилар, лекин бунга ҳожат қолмади. Ромейн Хейльгар тан олди.

Леонард Воул иккинчи марта сўроқ қилингач суд шундай қарор қилди: айби йўқ!

Мистер Мейхерн Воулнинг қўлини олиб қўйиш учун шунча ҳаракат қилса ҳам унинг олдига ўтолмади. У одамлар қуршовида эди. Адвокат кўзойнагини олиб артди ва бу одат тусига кириб қолганлигидан кулиб қўйди, хотини ҳам шу гапни айтган эди.

Албатта, бугунги кўрилган иш жуда қизиқ бўлди. Ромейн Хейльгар... Қизиқ хотин экан. Ўзини қанча совуққон тутгани билан судда қони қайнаб кетди бечоранинг.

Мейхерн деворга суяниб кўзларини бир зумга юмди. Унинг кўз олдига дарров баланд бўйли, босиқ ва рангсиз аёл келди. Унинг кўзларида муҳаббатми, ғазабми билиб бўлмасди. Қўлларини қимирлатиши ҳам қизиқ... Шунақа қўлларни у қаердадир кўргандек эди, яқинда... Ким эди у? Бирдан нафаси қисилиб қолгандек бўлди. Мисс Морганнинг қўлларига ўхшайди! Ҳа, ҳа! Бўлиши мумкин эмас, наҳотки!

У Ромейн Хейльгарни кўрмоқчи бўлди, лекин кўриши анча қийин бўлди, қаерда учрашишганларининг эса аҳамияти йўқ.

– Сиз юзимни нега ўзгартирганлигимни тушундингизми?– деди Ромейн.– Бу қийин эмас эди, қийини ёқилган газнинг ёруғида гримимнинг ёлғонлигини кўрсатиб қўймаслик эди. Ахир мен қачонлардир актриса бўлганман.

– Нима учун керак бўлди бу хатти-ҳаракатлар? – ҳайрон бўлиб сўради Мейхерн.

– Нима учун, дейсизми? – Кулимсираб давом этди Ромейн Хейльгар.– Мен уни қутқаришим керак эди. Эрини жону дилидан яхши кўрувчи аёлнинг гапига ким ҳам ишонарди. У бу ишни қилмаган десам, терговчи ишонармиди, йўқ! Яхши биламан. Майли мен уларнинг кўзига ёмон хотин, расво, бевафо кўриндим, лекин эримни қутқариб қолдим. У айбсиз, деб топилди.

– Хатлар-чи, хатлар.

– Улар қалбаки хатлар эди. Максга ёзган хат эса, ҳамма масалани ечиб берди.

– Унда Макс ким эди?

– У ўйлаб топилган одам.

– Менимча сиз бу спектаклни қойилмақом ўйнамасангиз ҳам биз уни қутқариб қолар эдик.

– Суднинг охиридан қўрқдим, гарчи сиз уни айбдор эмас, деб бошиданоқ ўйлаган бўлсангиз ҳам.

– Тушунарли мисс Воул. Лекин сиз ҳам унинг айбдор эмаслигини билардингиз-ку...

– Мистер Мейхерн, менимча ҳеч нима тушунмабсиз. Ҳа, мен билардим, билардим унинг айбдор эканлигини, айбдор эди у!!!

Ҳамид НОРҚУЛОВ таржимаси.

(Охири. Боши ўтган сонларда).

Шундан кейин

ТАШАББУСНИНГ МИСИ ЧИҚДИ

Россиянинг Тамбов шаҳридаги «Ижтимоий ташаббус ва Ко» коммандит ширкатининг алданган ҳаминвесторларига шаҳар маъмуриятига мурожаат қилиш тавсия этилди.

Компанияга ҳисса қўшганларнинг рўйхатга олиниши 2006 йилнинг 15 мартигача давом этади. Ҳокимиятга шу кунгача 530 га яқин одамлар мурожаат қилишди. Алданиш орқали улар йўқотган пул миқдори 220 миллион рублдан ошади.

ТОВОНДАН ОРТГАНИ ЕТАРМИКАН?

«Катрина» тўфонидан азият чекканларга тўланаётган товон пули икки миллиард доллардан ошди.

Бу эса АҚШ ҳукумати ва ҳайрия ташкилотлари томонидан ажратилган молия маблағларининг учдан икки қисмини ташкил этади. Америкаликлар қолган миллиард доллар вайрон бўлган ҳудуд инфратузилмасини қайта тиклашга етмай қолишидан хавотирдалар.

ЎТА ЯНГИ ВА ЎТА СУСТ

Ердан 440 миллион ёруғлик йил узоқда жойлашган манбанинг Swift телескопидаги GRB 060218 рентген учқуни астрономларнинг «ғайритабиий» самовий портлаш ҳақида гап очишларига сабаб бўлди. Ҳар йили космик телескоплар юзлаб қайд этадиган шундай ҳодисалардан фарқли ўлароқ, бу учқуннинг акс этиш рентген фаоллиги юз карра узоқроқ давом этди.

Қибрай туманидаги 33-мактаб томонидан 1996 йилда Пулатов Шухрат номига берилган W 102058 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

1993 йил 21 февралда Попова Зоя Ивановна номига берилган 05-02/7437 рақамли хонадонга эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Фойдали маслаҳатлар

● Доғланган ёғингиз сачраб кетмаслиги учун қозонга пича туз солинг.

● Ёғларни мис идишда сақламанг, сифати бузилади. Ёғларни, айниқса, сариёғни қоронғи ерда сақлаш керак, чунки қуёш нури таъсир этса, унда ёғ кислотаси ҳосил бўлади, бу эса инсон организмига зарар.

● Идиш ювганингизда сувга бир оз туз ёки сода солсангиз, идишнинг кири тез кетади.

● Шиша ва металл идишларни ғижимланган қоғоз билан артсангиз, тоза бўлади.

● Суюқ овқатлар қаттиқ қайнатилса, хира тортади, милдиратиб қайнатиш лозим.

● Сабзавотлар тузли сувда қайнатилса, мазали бўлади.

● Қатиқ, қаймоқ, сут, сирка, помидор, пиёз солинган таомларни, ҳатто, қиш фаслида ҳам узоқ сақлаб бўлмайди, улар тез ачиши мумкин. Бундай таомлар махсус идишларда, совуқ ҳавода ёки музлаткичда сақланади.

● Гўшт ҳидланса ёки моғорласа ёхуд янги гўштнинг сиртига чанг ёпишган бўлса, оч пушти рангли марганцовка суви билан ювиб, сўнг совуқ сувда чайқасангиз тозаланади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-540. Адади 9587. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

Ⓣ белгили материаллар – реклама материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.30. 1 2 3 4 5 6